



2020 йил «12» июн

№ 284-К

Вилоят ҳокимининг 2020 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва унинг уруғчилигини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4704-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 67-Қ-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Туманда истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришни ошириш, картошқачилик соҳасида кластер ва кооперация механизmlарини кенгайтириш, соҳани механизациялаштиришни давлат томонидан янада қўллаб-куватлаш, шунингдек, картошкага бўлган ички бозор талабини тўлиқ қондириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва унинг уруғчилигини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4704-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 67-Қ-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманда 2020-2021 йилларнинг қиши-баҳор мавсумида аҳолини ва ижтимоий соҳа муассасалари эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш мақсадида истеъмол картошкасини захирага жамғариш ҳажмлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг ўринbosари (А.Дусмуродов), туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Ш.Сапаров)ларга ҳар йили 1 декабрга қадар кластер ва кооперациялар таклифлари ҳамда истеъмол меъёрлари асосида келгуси йил учун картошка экин майдонлари ва ялпи ҳосили прогноз кўрсаткичларини, шунингдек, уруғлик картошкага йиллик талабни ва унинг етишмайдиган миқдорини аниқлаш топширилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Р.Ибрагимов), туман иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш бўлими (F.Мусурмонов)лар картошка сақланадиган омборхоналарни хатловдан ўтказиб, аҳолининг қиши-баҳор мавсумида картошка истеъмоли ва сақланадиган уруғлик ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, қўшимча омборхоналар ташкил этиш юзасидан вилоят ҳокимлигига Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш учун таклифлар киритсин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Э.Пардаев), “Нуробод” газетаси таҳририяти мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Р.Ибрагимов, А.Дусмуродов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ф.Заиров

Туман хокимининг
2020 йил " 12 " майдаги
—сон карорига
илюва



**Тумандаги 2020-2021 йилларнинг қишигъи бахор мавсумида аҳолини ва ижтимоий соҳа
муассасалари эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш мақсадида истеъмол картошкасини
захирага жамғариш**

ҲАЖМЛАРИ

т/р	МФЙлар номи	Аҳоли сони (минг нафар)	Жамғариладиган картошка ҳажми, (тонна)
1	Халқобод	3,9	18
2	Улус	4,5	21
3	Бошқудук	3,4	16
4	Олтинсой	3,9	18
5	Амир Темур	4,7	22
6	Шарқ Юлдузи	5,0	24
7	Наврӯз	3,2	15
8	Машъал	3,6	17
9	Киличли	5,3	25
10	Сазағон	4,0	18
11	Тепакул	3,1	14
12	Сарой	3,4	16
13	Оқсой	5,5	26
14	Мехнаткаш	2,9	14
15	Сарикул	3,6	17
18	Дўстлик	3,9	19
16	Жом	7,8	37
17	Гирдикургон	4,4	21
19	Тегирмонбоши	4,0	19
20	Омондара	4,2	20
21	Ўртабуз	5,4	25
22	Кечкелдик	5,6	26
23	Пўлатчи	4,6	22
24	Нурбулоқ	5,2	25
25	Нурдум	5,4	25
26	Аработа	5,0	23
27	Бунёдкор	2,2	10
28	Олга	5,0	24
29	Чорвадор	4,2	20
30	Ағрон	2,8	13
31	Навбаҳор	2,7	13
32	Нурағишон	1,3	6
33	Булоқбоши	2,5	12
34	Сахоба	5,6	26
35	Қўргонча	3,7	17
36	Жарқудук	3,0	14
37	Лолазор	1,3	6
Туман бўйича		149,8	704

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

Ш.Сапаров

Туман Фермер, дехқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

Э.Дияров

Туман иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни
қисқартириш бўлими бошлиғи ўринбосари

Ғ.Мусурмонов